ЎЗБЕКИСТОН—АФҒОНИСТОН: ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ!

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 1 сўм 30 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 15 октябрь, пайшанба № 203 (21.301).

МУҲИМ ҚАДАМЛАР ҚЎЙИЛДИ

Матбуот конференциясида

Яқинда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида давлатлараро муносабатларни йўлга қўйиш учун Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний жаноби олийларини юртимизга таклиф этиб, даъватнома юборган эдилар. Мазкур даъватноманинг шарофати ўлароқ, Афғонистон Ислом давлати раҳбари бошчилигидаги расмий делегация 13 октябрь куни Тошкентга ташриф буюрди.

Улуғ меҳмонни қабул қилган Президентимиз даъватномага лаббай деб жавоб бериб, юртимизга ташриф буюргани учун меҳмонга миннатдорчилик билдирди ва бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхши йўлга қўйишда муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

Совет империяси даврида узилиб қолган алоқаларни қайта тиклаш ҳар иккала томоннинг ҳам манфаатларига мос келади. Чунки аждодларимиз асрлар мобайнида ён қўшни, жон қўшни бўлиб яшаб келганлар, ялпи қатағон йилларида муҳожирликни ихтиёр этган ватандошларимиз Афғонистондан паноҳ топдилар. Уларнинг аксарияти ўша юртда муқим яшаб қолдилар. У ерда ўзбек халқининг улуғ бобокалонлари Мир Алишер Навоий ва Бобур мирзолар ҳоки бор. Шундай экан, ўзбек халқи Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушига бефарқ қараб тура олмайди.

Чунки бу уруш минтақадаги халқлар манфаатига мутлақо зиддир. Зеро қурилиши режалаштирилаётган Термиз—Карочи йўлининг асосий қисми Афғонистон ҳудудидан ўтиши ҳам кўп жиҳатдан бу юртда тинчлик ўрнатилишига боғлиқдир.

Биз, деди И. Каримов, Афғонистон яхлитлиги тарафдоримиз. Афғонистондаги можароларни тинч, музокаралар йўли билан ҳал этиш лозим. Шунингдек, бу минтақани бошқа катта давлатларнинг манфаат ёки ўзаро ихтилофлари майдонига айлантиришига йўл қўйиб бўлмайди. Вужудга келган ҳар бир муаммони минтақадаги давлатлар ўзлари ҳал этиши лозим.

Ислом Каримов сўнгра Афғонистон ва Тожикистон давлатлари чегарасида содир бўлаётган кўнгилсиз воқеалардан ниҳоятда ташвишда эканини изҳор этди.

Б. Раббоний И. Каримовга даъватнома юборгани учун миннатдорчилик билдирди ва Афғонистон Ислом давлати раҳбариятининг Ўзбекистонга расмий ташрифи иккала давлат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишда муҳим қадам бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Афғонистон раҳбари у ерда давом этаётган биродаркушлик уруши сабаблари ҳақида ўз қарашларини баён этди. Ҳозирги кунда Афғонистон фуқароларидан 6—7 миллион кишининг қўлида қурол бор. Бу Афғонистонга 1979 йили бостириб кирган собиқ СССРнинг ўн йилдан ошиқ давом этган агрессияси оқибатидир. Ваҳолонки, бугунги афғонистонликлар бундай қуролларга эмас, балки завод ва фабрикаларга, улар ишлаб чиқариши лозим бўлган истеъмол молларига муҳтождир.

Бугунги Афғонистон иқтисодиёти ниҳоятда оғир аҳволдадир. Озиқ-овқат ва ёқилғи танқислиги, техника етишмаслиги урушдан чарчаган афғон халқининг тинкасини қуритмоқда. Бу масалада минтақадаги, хусусан, Ўрта Осиёдаги давлатлар Афғонистонга ёрдам қўлини чўзса яхши бўларди.

Б. Раббоний ҳазратлари Тожикистон ва Афғонистон чегарасида содир бўлаётган воқеалар хусусида сўз юритар экан, келгусида бу чегарада тинчлик ўрнатилиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз, деди. Афғонистон Ислом давлати раҳбарияти ҳам чегарадан қурол олиб ўтилишига мутлақо қарши эканини, бироқ мамлакатда расмий ҳукуматга бўйсунмайдиган қуролли кучлар борлиги ва улар Тожикистондаги муҳолиф гуруҳларни қуроллароғ билан таъминлаётганини ҳам яшириб ўтирмади.

Томонлар бундан буён давлатлараро муносабатларни кенг миқёсда давом эттиришни ҳамда Ўзбекистон томони Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш учун ёрдам беришини ўзаро келишиб олишди. Бу борадаги ҳамкорлик тегишли битим ва шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш орқали амалга оширилажаги маълум қилинди.

Сўнгра И. Каримов оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон қамоқхоналарида афғонистонлик асирлар бор, деган миш-мишлар тарқатилганини бўҳтондан бошқа нарса эмас, деб таъкидлади ва ўз навбатида Б. Раббоний жаноблари Совет—афғон уруши йилларида асир тушган Ўзбекистон фуқароларининг Ватанига қайтишларида кўмак беришини сўради. Илтимос қабул қилинди.

Шу куни мамлакатимиз пойтахтидаги Халқлар дўстлиги саройида иккала давлат ўртасидаги муносабатларни изга солиш борасида дастлабки қадам қўйилди. «Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом давлати ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида протокол» ва «Ҳаво йўлларини очиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом давлати ўртасида ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум» имзоланди. Ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси томонидан ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бош директори Ғ. Рафиқов, Афғонистон томонидан эса ташқи ишлар вазири доктор Нажибулло Лафроий қўл қуйдилар.

Имзолаш маросими тугагач, Президент И. Каримов ва Афғонистон Ислом давлати раҳбари Б. Раббоний журналистлар билан суҳбат ўтказишди. Суҳбатни бошлаб берар экан, И. Каримов ҳеч бир давлат ўз қўшнисини танлаш имкониятига эга эмаслигини ва бу Оллоҳ таолонинг иродаси эканини таъкидлади. Бас, шундай экан, минтақадаги қўшни давлатлар билан аҳил-иноқ, қўлни-қўлга бериб яшашдан ўзга чора йўқ. Ўзбекистон ва Афғонистон давлатлари ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишдан минтақадаги барча давлатлар манфаатдор эканлиги ва режадаги Термиз—Карочи йўли тезда қурилиб, фойдаланишга топ ширилса, Ҳинд океанига чиқиш орқали нафақат Ўзбекистон ва Афғонистон, балки бошқа давлатларнинг ҳам узоғи яқин бўлиб қолар эди.

Бундан, аввало, Афғонистон ҳукумати ва аҳолиси манфаатдордир. Чунки, миллионлаб ишсизлар иш билан таъминланади. Фуқаролар уруш вайрон қилган рўзғорларини қайта тиклаб олади. И. Каримов, «Сув бор жойда ҳаёт бор», деган ўзбек халқ мақолини, мен: «Йўл бор жойда ҳаёт бор», деб ўзгартирган бўлардим, деди.

Суҳбат чоғида шунингдек, Афғонистондаги уруш, Тожикистондаги воқеалар, Ўзбекистон — Афғонистон алоқаларининг бошқа жиҳатлари хусусида ҳам савол-жавоблар бўлди. Журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Фахриддин НИЗОМ,
ЎзА мухбири.

Афғонистон Ислом давлати раҳбари Б. Раббонийнинг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифи якунлари тўғрисида

ҚЎШМА БАЁНОТ

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний 1992 йил 13—15 октябрь кунлари амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

13 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов билан Афғонистон Ислом давлатининг раҳбари Б. Раббоний ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Иккала давлат раҳбарлари кенг кўламдаги масалалар юзасидан ўтказилган фикрлашувлар фойдали бўлганлигини таъкидладилар. Томонлар олий даражадаги ўзбек — афғон учрашуви Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом давлати ўртасида давлатлараро муносабатларни қарор топтириш ва ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлганлигини қайд этиб ўтдилар. Шу давлатларнинг халқларини тарихий қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб турибди.

Ўзбекистон ва Афғонистон раҳбарлари Афғонистондаги воқеаларни муҳокама қилдилар.

Афғонистон Ислом давлати раҳбари чет элдан бўлган агрессияга қарши 14 йиллик курашдан кейин мамлакатда вазият барқарорлашиши учун муайян вақт лозимлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга вазият тез суръатларда яхшиланиб, яқинда ўз ишини бошлайдиган миллий кенгаш тузилиши билан мамлакатда тинчлик ўрнатилади.

Президент И. Каримов Афғонистондаги можаро тинч йўл билан бартараф этилиши керак, деган қатъий фикрни билдирди. Афғонистон ҳукумати ҳозирги Афғонистон ҳудудида яшаётган барча халқларнинг манфаатларини мумкин қадар кўпроқ ифода этишидан, уларнинг бирлигини авайлаб асраши ва давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолишидан Ўзбекистон томони манфаатдор эканлиги алоҳида таъкидланди.

Томонлар ўзларига қўшни мамлакатлардаги вазиятни муҳокама қилиб, уни тез фурсатда барқарорлашишига умид билдирдилар. Томонлар бу мамлакатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўйиб бўлмаслигини, ҳудудий яхлитлигини ва чегаралари дахлсизлигини сақлаб қолиш, бир-бирига қарама-қарши томонлар ўртасидаги муаммоларни фақат шу суверен мамлакат халқининг манфаатларини кўзлаб, тинч, сиёсий йўллар билан ҳал қилиш лозимлигини билдирдилар.

Музокараларда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг аҳволи муфассал кўриб чиқилди. Томонлар олий даражадаги учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом давлати ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги, шунингдек Тошкент билан Қобул ўртасида ҳаво йўли очилганлиги муҳим эканлигини қайд этдилар. Давлатларнинг раҳбарлари ҳамкорликни жадал ривожлантириш ва ҳар томонлама кенгайтириш кераклигини ёқлаб гапирдилар, бунда ҳамкорликнинг янги, самарали шаклларини излаб топиш ва шундай шаклларга ўтиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Савдо-иқтисодий алоқалар ва бошқа алоқаларни авж олдириш тўғрисида аҳдлашувга эришилди, бу эса иккала мамлакат халқларининг туб манфаатлари ва орзу умидларига мос келади.

Ҳар иккала томон Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом давлати ўзаро муносабатларини давлатлараро муомаланинг ҳаммабоп принциплари, яъни ўзаро ҳурмат ва ҳududий яхлитлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принциплари асосида ривожлантириб боришларини билдирадилар.

Б. Раббоний Ўзбекистон халқининг мустақилликни мустаҳкамлаш, сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш йўлидаги интилиш ва азму қарорини қўллаб-қувватлашини изҳор қилди.

Томонлар самарали маслаҳатлашувлар воситасини яратиш йўли билан икки томонлама турдаги масалалар бўйича ҳамда иккала томонни қизиқтирувчи жаҳон миқёсидаги ва минтақавий аҳамиятдаги асосий халқаро муаммолар бўйича мулоқотларни кенгайтириш зарурлигини эътироф этдилар. Томонлар ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини вужудга келтириш борасидаги ишларни бошлашга ҳам рози бўлдилар.

Иккита давлат Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом давлати ўз муносабатларини ҳеч қандай ташқаридан бўладиган воситачиларсиз, юзма-юз, очиқ кўнгил билан бир-бирига биродарлик, яқин қўшнилар сифатида амалга оширишга келишдилар.

Давлатларнинг раҳбарлари шунга қатъий ишонч билдирдиларки, бўлиб ўтган ташриф ва фикрлашувлар Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом давлати ўртасида дўстона муносабатларни янада авж олдиришга, улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Б. Раббоний Президент И. Каримовни расмий ташриф билан Афғонистонга боришга таклиф этди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Ташриф муддати дипломатия йўли билан қўшимча равишда келишиб олинади.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 октябрь.

БУРҲОНИДДИН РАББОНИЙ САМАРҚАНДДА

Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний бошчилигидаги делегация 14 октябрь куни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди.

Шу муносабат билан Самарқанд тайёрагоҳи Афғонистон Ислом давлати ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилди. Муҳтарам меҳмонларни Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Болалар Бурҳониддин Раббонийга гуллар тақдим этдилар.

Ҳурматли меҳмонлар шаҳарнинг қадимий ёдгорликларини зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар, шундай ноёб обидаларни бунёд этган аждодларимиз ақл-заковатига тасаннолар айтдилар. Челак районидаги имом Исмоил ал-Бухорий масжидини зиёрат қилдилар.

Вилоят ҳокимлиги Афғонистон Ислом давлати раҳбари шарафига қабул маросими ўтказди.

(ЎзА).

1992 йил ҳосили

Ҳирмонингизга барака!

ЧЎЛҚУВАРЛАР ЗАФАРИ

● Қизилтепа районидаги «Ўртачўл юлдузи» давлат хўжалигининг Б. Асадов бошлиқ чўлқуварлар бригадаси пахтакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб зафар маррасига етдилар.

Эл хирмонига 150 ўрнига 180 тонна чўл дурдонаси тортиқ этилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 25 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга сотилди.

Ш. МУЗАФФАРОВ.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 14 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	2,03	56,66
Андижон	2,90	50,84
Бухоро	2,41	47,73
Наманган	3,29	40,36
Сурхондарё	2,09	40,00
Хоразм	2,00	37,62
Қашқадарё	3,02	32,13
Қорақалпоғистон Республикаси	2,34	26,84
Навоий	2,06	22,17
Тошкент	3,02	16,84
Самарқанд	1,82	10,95
Сирдарё	1,80	7,76
Жиззах	1,61	6,36
Республика бўйича	2,37	31,84
1991 йилдагиси	2,43	79,56

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ОЛТИНКЎЛДА ҚЎШМА КОРХОНА

● Шу йилнинг бошида Андижон вилоят саноатсавдо концерни бошқарувининг раиси Одилжон Содиқов республика делегацияси таркибида Германияга бориб, ишбилармонлар билан ҳамсуҳбат бўлган эди. Ушанда у узоқ муддатли шартнома тузиб ҳамкорликда ишлаш истагини билдирганди.

Шундан кейин «Коммекс» фирмасининг бошлиғи доктор Масуд Баргеламе бошлиқ немис ишбилармонлари делегацияси Андижон вилоятига ташриф буюрди. Улар маҳаллий саноат корхоналари иши билан батафсил танишиб, Олтинкўл халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома имзолашди. Бирлашманинг бош корхонасида замонавий тўқимачилик жиҳозлари ўрнатиш ва йилига 2 минг тонна ип калава ва пахмоқ сочиқ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган йигирув-тўқув фабрикаси қуриш тўғрисида келишиб олинди.

— Энг муҳими, жаноб Баргеламе қўшма корхонага биздан кўпроқ ҳисса қўшса ҳам, олинадиган фойдани баравар бўлишишга розилик берди, — дейди О. Содиқов, — ҳеч қайси муҳожир бундай саҳоват кўрсатмаган эди. У Андижон вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев қабулида бўлган вақтида ҳамкорликда қуриладиган корхона 1993 йилда маҳсулот бера бошлаши ва яқин келажакда 20 минг тонна ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлишини айтди.

«Коммекс» фирмаси йигирув-тўқув фабрикасини ишга туширгандан кейин республика тўқимачилик саноати учун зарур эҳтиёт қисмлар етказиб беради.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

БАЛИҚЧИЛИК ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИ

● Қизилтепа районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик билан бир қаторда балиқчилик ёрдамчи хўжалигини ҳам йўлга қўйишди.

Бунда Зарафшон дарёсининг яқинлиги қўл келди. Дарё соҳилига яқин кўлда балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Натижаси ёмон бўлмади. Қисқа вақт ичида ёрдамчи хўжалик маҳсулот бера бошлади. Шу йилнинг ўзидаёқ мазкур ёрдамчи хўжаликдан 50 минг сўм соф фойда кўриш мўлжалланяпти.

Музаффар ШАРОПОВ.

ТОЖИКЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Тожикистонда юз бераётган воқеалар қўхна Хоразм воҳаси меҳнат аҳлини ҳам ташвишга солмоқда. Қўшнилларимиз носоғлом кучларнинг ундови билан гуруҳлар ва тўдаларга бўлиниб, бирибирининг кўксига тиғ қадаяпти, ўқ узяяпти. Бундан биринчи навбатда ёшу кекса азият чекаяпти. Ахир қўшнинг тинч, сен тинч деганларидек, бизнинг дўстлигимиз узоқ тарихга бориб туташади. Бу дўстлик асрлар давомида камол топган, мустаҳкамланган. Ана шунинг учун ҳам тожик халқининг ташвиши бизнинг ташвишимиз, дарди бизнинг дардимиз бўляпти.

Жумҳуриятдаги тахт, амал талашиб ҳуда-беҳуда қон тўкишлар қалбларимизни ўртамоқда. Фалокат бутун Ўрта Осиёга ёйилиб кетмаслиги учун бу фожиали воқеаларга тезроқ барҳам бериш керак. Ана шу нуқтаи назардан ҳам мен Ўзбекистонимиз Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош котибига ғоят ташвишланиб йўллаган телеграммасини, унда билдирилган фикр-мулоҳазаларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши билан Вазирлар Маҳкамасининг Мурожаатномасини тўла-тўкис қувватлайман.

Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтариларкан. Қолаверса биродаркушлик ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Унинг оқибати ҳамиша вайронагарчилик, хунрезлик, халқ фарёди билан тугаган. Ахир, сиздар ҳам 130 йил давомида мустақилликка эришиш ҳақида орзу қилгансизлар-ку! Мана, энди бахтимизга совет империяси барбод бўлди. Демак, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қиламиз. Мустақилликка эришилган дастлабки йилданоқ ҳунук низолар чиқарсак бизни келажак авлод сира ҳам кечирмайди. Аксинча, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун бир-биримизга яқиндан ёрдам беришимиз, тақдиримизга бефарқ қарамаслигимиз керак. Бу — дўстлик ва қардошлик қонунининг энг муҳим талабидир.

Болта ДАВЛАТОВ,
меҳнат ва партия фахрийси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ИСТИҚБОЛ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси матбуотда эълон қилинганига ҳам ўн беш кундан ошдн. Шу вақт давомида хизмат бурчим юзасидан қатор маҳаллалар, корхоналар ва ташкилотларда Қомусимиз лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари йиғилишларида қатнашдим. Меҳнаткашлар бу тарихий ҳужжатни зўр мамнуният ва катта қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар.

Қўпчилик аҳоли Асосий қонунимизнинг қурён, инжил, таврат каби узоқ йиллар ўзгармас бўлиб қолиши учун пишиқ-пухта бўлишини таъкидламоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам жамиятни одилона демократик ва инсонпарварлик принциплари асосида ташкил этишда давлат ҳамда унинг Асосий қонуни — Конституциянинг аҳамияти улуғвор. Конституция ўз моҳияти эътибори билан ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий белгиларидан бири-ки, унда давлатнинг ижтимоий тузилиши, давлат ҳокимияти идоралари ва уларнинг фаолиятларини ташкил этиш қоидалари, сайлов тизими, фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқ-бурчлари ифода этилади. Мустақил давлатимиз Конституцияси лойиҳасида ана шуларни қамраб олиш сари дадил одим ташланган.

Аммо лойиҳа бир гуруҳ кишиларнинг ижодидан иборат бўлганлиги сабабли баъзи қусурлардан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам кўпнинг муҳокамасига ҳавола этилди. Ана шундан фойдаланиб лойиҳа хусусида айрим таклифларимни изҳор этмоқчиман. **Лойиҳанинг 50-моддасида ижтимоий бозор хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг негизи** сифатида ифодаланган. Аслида, бозор хўжалиги ҳеч қачон иқтисодиётнинг негизини ташкил эта олмайди. **Иқтисодиётнинг негизини мулк ташкил этади. Бозор эса мулкчилик шаклларини ҳаракатга келтирувчи восита ҳисобланади.** Агар лойиҳада таъкидланганидек, бозор хўжалиги бизнинг иқтисодиётимиз негизини ташкил этганида эди, ҳозирги қаҳатчилик рўй бермасди. Шунинг учун бу моддани таҳрир этиш зарур деб ўйлайман.

Иккинчи бобда халқ ҳокимиятчилиги билан инсонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари аралашиб кетган. Тўғри, улар моддалар билан ажратилган бўлса-да оддий фуқаро англаб етолмайдиган даражададир. Масалан, шу бобнинг 8-моддасида Ўзбекистон халқига таъриф берилади. Кейинги моддаларда халқ ҳокимиятчилиги хусусида фикр юритилади. Шу боис ушбу бобнинг сарлавҳасини **Инсонларнинг ҳуқуқ—бурчлари ва халқ ҳокимиятчилиги»** деб ўзгартирилиши мақсадга мувофиқдир.

Тўққизинчи бобнинг 60-моддасидаги **«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир» жумласига қўшила олмайман. Чунки оила жамиятнинг эмас, балки давлатнинг асосий бўғини бўлиши мумкин.** Ҳар қандай жамиятнинг асосий бўғинини, яъни туб негизини фақат ижтимоий ишлаб чиқариш ташкил этади. Оила эса инсонларнинг қон-қардошлилик ёки никоҳга асосланган ижтимоий бирлигининг барқарор шакли, давлатнинг асоси эканини унутмаслигимиз зарур. Бу борада давлат билан жамиятнинг орасидаги тушунчаларни ва фарқларни англамоқ керак.

64-моддадаги «Цензурага йўл қўйилмайди» жумласига юз фоиз қўшиламан. Аллақачонлар шундай бўлиши керак эди. Бу мустақиллигимизга ярашади.

Ўн учинчи бобдаги моддаларда асосан фикр сиёсий партиялар ва жамоат уюшмалари ҳақида боради. Шунинг учун бу бобнинг сарлавҳасини ўзгартиришни таклиф қиламан ва унинг **«Сиёсий партиялар ва жамоат уюшмалари»** деб номланишини истайман.

Лойиҳанинг 90-моддасидаги **«Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради» деган жумла мени анча ўйлантириб қўйди.** Ахир, бу инсон ҳуқуқларини чеклаш эмасми?! Партия аъзолигида турадими, йўқми, буни ҳар бир шахснинг ўзи ҳал қилади. Нима, президент бўлган киши шахс эркинлигидан, ҳуқуқидан ажраладими? Ажралмаса, нега бу жумла лойиҳага киритилди?

Агар Туркия давлатидагидек йўл тутадиган бўлсак, у ҳолда президент бутун давлат бошқарувини ўзи аъзо бўлган партия аъзоларидан ташкил топтириши керак. Ундан кейин ўзи партиядан вақтинча чиқади. Бизда эса ундай эмас. Давлат бошқаруви аппаратида турли партияларнинг аъзолари ва партиясиз ўртоқлар ишлаб турибди. **Ана шуни ҳисобга олиб, лойиҳадан юқоридаги жумлани олиб ташлашни таклиф қиламан.**

92-моддада Ўзбекистон Республикаси Президентига катта ва кенг ваколатлар берилганлиги қайд этилади. Бу яхши, шундай бўлиши ҳам керак. Аммо, вилоятлар ва районларда ҳоким масаласини ўша ерда яшовчилар ҳал этса ёмон бўлмасди, Негаки, ҳар бир район аҳолиси кимни ҳоким этиб сайлашни яхши билади. Шунинг учун **Президент тавсиясига биноан тегишли Кенгашлар томонидан сайланган ҳокимларгина Президент томонидан тасдиқланиши мумкин,** дейилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хуллас, ҳали лойиҳада муҳокамага молик ва таҳрирталаб боблар, моддалар анчагина, Маҳалан, 59-моддада «Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини таъқиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади» дейилган. Нега энди жамоат бирлашмалари фақат суд қарорини кутиб ўтириши керак? Улар ўзини ўзи тарқатиб юбориши ҳам мумкин-ку. Ҳаётда жамоат бирлашмаларининг ўзинии-ўзи тарқатганлигини кўриб турибмиз.

Конституция лойиҳасида нима учундир давлат назорати органлари, маҳаллалар ҳақида фикр юритилмаган. Давлат мавжуд экан унинг назорат органлари ҳам бўлиши керак. Ўзбекнинг хоҳ қишлоқда бўлсин, хоҳ шаҳарда бўлсин маҳалла-маҳалла бўлиб, бирикиб — бирлашиб, ўзига хос ёзилмаган қоидалар асосида ўзини-ўзи идора қилиб, қўллаб-қувватлаб асрлар оша яшаш тарзи бор. Бу Асосий қонунимиздан тушиб қолиши мумкин эмас. **Конституцияга албатта маҳаллалар тўғрисидаги модда киритилиши зарур.** Аҳолининг хоҳиши шундай.

Қомусимиз номини «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — Асосий қонуни» деб ўзгартиришни таклиф қиламан. Республикамиз Конституцияси умумхалқ муҳокамасидан кейин мукаммал ва тўлиқ қомусга айланишига ишонаман. У жамиятимиз аҳолисини ривожланган давлатларда яшовчилар каби эркин,. фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашда истиқбол қонуни бўлиб қолишига имон келтираман.

Худойназар ҒОЙИБОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Чилонзор районидаги 1-ҳудудий ташкилоти котиби.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СЕМИНАР-КЕНГАШЛАР

● Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига ҳамда республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашни вилоят ҳокими Э. Турсунов қириш сўзи билан бошлаб берди. Семинар-кенгашда республика Олий Кенгашининг Конституцион назорат қўмитаси раиси Ш. Ўразаев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. У мустақил мамлакатимизнинг Асосий Қонуни яратилиши борасида олиб борилган ташкилий-тадбирий ишлар ҳақида гапириб, унинг муҳокамасида кенг жамоатчиликни фаол иштирок этишга даъват этди.

«Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Ш. О. Убайдуллаев жумҳурият Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласининг яратилиши, унинг аҳамияти ҳақида сўзлаб, жумҳурият Президенти И. Каримовнинг ички ва ташқи сиёсат бобида олиб бораёган йўлининг нечоғли тўғри ва ҳаётийлиги ўзга мамлакатлар томонидан тан олинаётгани хусусида тўхталди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг иккинчи котиби Ў. Носиров, вилоят суди раиси С. Турсунов, вилоят солиқлар инспекцияси бошлиғи Х. Шукуров ва бошқалар Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олинганлигини таъкидладилар.

Семинар-кенгашда республика Президенти девони масъул ходими Б. Х. Раҳимов иштирок этди.

● Гулистон шаҳрида 14 октябрь куни бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Б. Маҳмудов очди. Сўнгра йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Ш. О. Убайдуллаевнинг Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳақида, ҳамда Ўзбекистон Олий Кенгаши Конституционназорат қўмитаси раиси Ш. Ўразаевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси тўғрисидаги маърузаларини тингладилар. Фаоллар йиғилишида вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси А. Абдушоҳидов, вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси И. Қўчқоров, вилоят ҳокимияти бўлими мудири Қ. Зуҳуров, ЎзХДП вилоят Кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов ўртоқлар сўзга чиқишиб, ҳар иккала муҳим, тарихий ҳужжатнинг республикамиз тараққиёти, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқбол уфқларини очиш йўлида тутажак ўрни беқиёс даражада юксак эканлигини таъкидладилар. Бу ҳужжатларни ҳозирги дамларда омма орасида кенг тарғиб этиш ғоят муҳим эканлиги уқтириб ўтилди. Шу билан бирга, нотиқлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси юзасидан ўзларининг конкрет фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини баён этдилар.

Ҳар икки муҳим ҳужжат муҳокамаси фаол, ишчанлик руҳида ўтди.

Б. САТТОРОВ,
А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишда вилоят Кенгаши депутатларининг роли тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Б. Маҳмудов маъруза қилди.

Маърузачи ҳамда музокараларда сўзга чиққан депутатлар бу йилги мураккаб шароитларда пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олиш муаммолари хусусида атрофлича фикр айтдилар.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўртоқ А. Турдиқулов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокимининг биринчи муовини вазифасидан озод қилинди. А. Кровнов, С. Ғуломова, Б. Файзиев, И. Қурбонов, А. Абдуллаев, И. Эрбеков ўртоқлар вилоят ҳокимининг ўринбосарлари этиб тасдиқландилар. Сессияда, шунингдек, вилоят ҳокимияти тизилмалари ҳам тасдиқланди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бешариқ туманидаги «Яккатут» давлат хўжалиги пахтакорлари бу йил 2908 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,6 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Айни кунларда хўжалик далаларида мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Ҳозир бу ерда 32 та терим машинаси унум билан ишламоқда. Механизаторларнинг тинимсиз меҳнати туфайли хўжалик ҳар куни режанинг 3—5 фоизи миқдорида пахта тайёрламоқда.

Суратда: механизатор Шарифжон Холмирзаев ва назоратчи-механик Холиқназар Бекназаров.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

Самарқанд чинни заводи тажриба цехининг Жамила Аббосова бошлиқ гул босувчилар бригадасида 14 киши ишлайди. Улар ойлик топшириқларини ошириб бажариб, сифатли маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишмоқда.

Суратда: шу бригаданинг қўли гул ишчиси Динора Ғиэитдинова маҳсулотга жилло бермоқда.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

ОЛИМ ВА МУРАББИЙНИ ҚУТЛАШДИ

Бу истеъдодли олимнинг номи матбуотда ҳеч қачон кўринмаган. Тошкент машинасозлик конструкторлик бюросининг бош конструктори Шавкат Аҳадович Воҳидов кўп йиллар давомида шуғулланиб келган ишлар «махфий» тамғаси остида бўлган.

Халқаро муҳандислик академиясининг академиги, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори бўлган бу олим, космосга бағишланган илмий ишлари учун 60 га муаллифлик гувоҳномасини олган. Тошкент илмий жамоатчилиги унинг 60 йиллик юбилейини нишонлади.

Тантаналарда Москва, Санкт-Петербург, Самара, Красноярскдан келган, космик асбобсозлик соҳасидаги таниқли олимлар, конструкторлар, космонавт В. А. Жонибеков қатнашдилар. Улар Ш. А. Воҳидовнинг асарлари физика фанини, космонавтикани ва асбобсозликни ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилганини, кенг миқёсда тан олинганини таъкидлаб ўтдилар.

(ЎзА).

● ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

Фарғона водийси деганда кўп ҳолларда Ўзбекистоннинг фақат уч вилояти — Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларини кўзда тутамиз. Ваҳолонки, водий ҳудуди қардош Қирғизистоннинг Ош ва Жалолобод ҳамда қўшни Тожикистоннинг Ленинобод (Хўжанд) вилоятларини ҳам ўз ичига олади. Бу водийга, унинг бетакрор гўзаллигига кимлар ошиқ бўлмагану кимлар таърифламаган. Чор ҳукумати Туркистон ерларига бостириб кирганида Фарғона водийси жамолига маҳлиё бўлиб, уни «Уйқудаги гўзал» деб таърифлаган.

Водийнинг ҳар бир гўшаси ўзича такрорланмас гўзал, ҳар бири алоҳида таърифга лойиқ. Бугун Ош вилоятининг ҳушманзара гўшаси— Аравон ва аравонликлар ҳақида қалам тебратишга жазм этдим.

АРАВОН ВА АРАВОНЛИКЛАР

ЖАНУБИЙ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ГЎЗАЛ ГЎШАСИ

АРАВОН иборасини Ўзбек энциклопедиясида «арабон» — араблар деб изоҳланади. Эҳтимол, шундайдир. Аммо одамларнинг афти-ангорида, табиатида, турмуш тутишида арабларга хослик мутлақо кўринмайди. Уларда туркийлик намоён. Азал-азалдан қорли Туркистон тизма тоғларидаги музликлардан бошланиб бир қанча ирмоқлардан ҳосил бўлиб, Новқат воҳасига етиб келганда. Чачмасой бўлиб қўшилгач, тўқсон километр давомида оқиб ўтувчи шўх сой ҳам Аравонсой номи билан аталиб, Аравон маҳаллотини иккига бўлиб туради. Бир ёнида Дулдулота тоғ бўлаги, унинг яқинида Чилустун (Қоратош) ястанган Аравонсойнинг шарқироқ сувидан ҳосил бўладиган салқинлик, тоғлар бағридан эсувчи майин шабада бу гўшани ёзнинг ҳар қанча иссиғида ҳам сўлим, оромбахш сақлаб туради.

Аравонда қандайдир илоҳийлик бордай сезасан. Маҳаллий халқнинг ривоятларини тинглаганингда бунинг маълум асослари борга ўхшаб кетади. Маҳаллага туташиб келган тоғнинг тик бир жойида тошга от билан қулун сурати ўйиб чизилган. Шу суратга нисбат бериб, тоғни Дулдулота дейишади. Қадимдан бу жой зиёратгоҳ ҳисобланади. От ва қулун ҳақида маҳаллий халқ орасида ривоят ҳам оғиздан-оғизга ўтиб келади.

Эмиш, шу атрофда яшаб турғувчи деҳқоннинг эккан маккасини тунда кимнингдир уй ҳайвони еб кетаверибди. Деҳқон пойлоқчилик қилиб, уни тутмоқчи бўлибди. Шундай тунларнинг бирида тоғ тарафдан бир қулун келиб, деҳқоннинг экинига оралабди. Экин эгаси қулунни тутмоқчи бўлиб, яқинлаганда тойчоқ оҳиста кета бошлабди. Деҳқон унинг кетидан бориб мўлжалидан кўпроқ юрибди ҳамки, етолмабди. Бир маҳал ёғоч қириб ўтирган мўйсафидга дуч келибди. Салом-аликдан сўнг мақсадни билган қулун эгаси қиринди пайраҳадан бир ҳовуч олиб, деҳқоннинг чопони ўнгирига солиб бериб, узр сўрабди. Деҳқон беихтиёр изига қайтибди. Берироқ қолганда «Мен бу ўтинни нима қиламан» деб дида тўкиб ташлабди. Дам ўтмай ўзини ойдинликда кўрибди. Ажабланиб, «бу атрофда дурадгор уста, унинг ҳовлиси йўқ экан-ку!» деб орқасига қараса, шундоққина тоғ ёнида турганмиш. Яна ажабланиб у ёқ-бу ёғига қараса, чопони пешида бир нарса ялт-ялт қилармиш. Уни ой нурига солиб кўрса бояги мўйсафид берган ёғоч қириндининг чопонга илашиб қолган бир бўлаги олтин экан.

Бу энди ривоят. Бироқ Чилустун ҳақидаги гаплар — ҳақиқат. Чилустун деб номланадиган бир тарафи Ўшга, бир тарафи Ширмонбулоқ қишлоғига бориб қадаладиган тоғнинг Аравонга яқин Чорбоғ деган жойида баланд тик зовда сирли бир ғор бор. Бир-биридан катталашиб борадиган бешта ғорнинг энг охирида ўрнашган Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг иккинчи котиби Ў. Носиров, вилоят суди раиси С. Турсунов, вилоят солиқлар инспекцияси бошлиғи Х. Шукуров ва бошқалар Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олинганлигини таъкидладилар.

Семинар-кенгашда республика Президенти девони масъул ходими Б. Х. Раҳимов иштирок этди.

ЭНДИ Аравоннинг улуғ зотлар маскани эканлигига эътиборингизни тортаман. Билмадим, назарингиз тушдими-тушмадими, «Ўқитувчилар газетаси» (ҳозирги «Маърифат»)нинг ўтган йилги 24 январь сонида филология фанлари номзоди Валижон Мирзаевнинг «Алишернинг оиласи» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Афсуски, бу мақолага олимларимиз тегишинча муносабат билдирмадилар. Ваҳолонки, бу мақола жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотиши зарур эди. Чунки, унда зикр қилинган далилларга Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, классик адабиётимизнинг билимдони, бедилшунос, навоийшунос риштонлик марҳум олим Боқий домла ўз вақтида тасдиқловчи фикр изҳор этган эдилар.

Хўш, Аравонга Алишер Навоийнинг қандай даҳли бор? Бу ҳакда олим Валижон Мирзаев шундай ҳикоя қилади. Маълумки, Амир Темур вафоти (1405)дан кейин валиаҳд Шоҳруҳ Мирзо марказий давлатни Самарқанддан Ҳиротга кўчириб борган. Барлос, Юз уруғлари давлатни сақлашга етарли таянч бўлолмасдилар. Шунинг учун Шоҳруҳ Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразм ҳокимларидан икки минг содиқ элатдошлардан аскар юборишни талаб қилади. Шулар орасида Андижон ҳокимлигидан аравонлик Исомиддин полвон ҳам оила аъзолари билан Ҳиротга кўчиб боради. Исомиддин полвон донги кетган курашчи ва забардаст киши бўлган. У Шоҳруҳ етакчилигидаги жангларда жасурлик кўрсатиб, неча бор подшони хавфли таҳликадан сақлаб қолган. Шоҳруҳ уни қадрлаб, лашкарбоши Амир Буҳанинг Шаҳрибону исмли қизига уйлантиради. Вақти-соати етиб улардан Ғиёсиддин кичкина туғилади. Ғиёсиддин Саид Чанг қизи Ҳалимабонуга уйланади. Улардан Алишер дунёга келади.

Исомиддин полвон ҳаётлигида савдогарлар орқали матога тикиб ёзилган саломномалар юбориб турган. Бу хатларни аравонлик қариндошлар эъзозлаб сақлаганлар. Айтишларича, Навоийдан кейинги 14 авлоди орасида Шамсиддин, Нуриддин деганлар инқилобгача ҳам Аравонда яшаб ўтганлар.

Бу тахминга икки далил келтириш мумкин. Биринчиси, Алишер Навоийнинг ота авлоди ҳақида манбаларда батафсилроқ хабар нимагадир айтилмайди. Унинг таржимаи ҳоли зикр қилинганида доимо онасининг авлоди айтилади-ю, ота авлоди четлаб ўтилади. Масалан, Ўзбек энциклопедиясида «Алишер Навоийнинг оиласи ва қариндош-уруғлари темурийлар хонадонига яқин турган зодагонлардан эди... Она томондан Алишернинг бобоси Бусаид Чанг Султон Ҳусайннинг бобоси Бойқаронинг амирларидан эди» деб таъкидлангани ҳолда ота авлодини қайд этиш Ғиёсиддин Кичкинадан нари ўтмайди. Бунда Алишер Навоий ота авлоди ҳақида сўз юритишни айрим сабабларга кўра маъқул кўрмагани англашилади. Бироқ Алишер Самарқандда таҳсил кўрган йилларда Аравондан Самарқандга ўқишга борган шаҳар қозиси Ихтиёриддин Шовқийнинг жияни Қодирбек Тановор билан танишганда улар ҳамшаҳар эканликларини билгач, яқин дўст, қондош бўлиб кетганлари ҳақида маълумот бор. Қодир Тановорнинг узоқ авлодлари Жўра Тановар, Деҳқон Тановар деганлар бўлган. Ҳозир уларнинг қондошлари бор.

Иккинчиси, Алишер Навоийнинг ота авлоди тилида ижод қилгани ҳам эътиборни тортади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Навоий тили ҳақида айтган машҳур фикри ҳам буни тасдиқлаб турибди. «Бобурнома»да Андижонга таъриф бериб шундай дейди: «Эли туркдир. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам билан росттур (яъни адабий тилда гаплашилади.). Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким, ҳирида нашъу намо топибтур, бутил биладур».

Айтишлари мумкин, Алишер бобоси Исомиддин билган тилни қандай сақлай олган? Ахир, уни кўрмаган, сўзларини эшитмаган бўлса? Бу фикрни мана бугунга келиб, хориж мамлакатларида туғилган бўлишларига қарамай, ўзбек тилида яхши гапираётган ватандошларимиз рад этадилар.

Биз Алишер Навоийни аравонлик эди деб даъво қилишдан йироқмиз. Аммо юқоридаги фикрларда жон бор дейишга ҳақлимиз. Буёғи олимларимизга боғлиқ. Вақти-соати келиб, бу тўғрида ишонарли мақолалар ўқишга умидвормиз.

АРАВОН ва аравонликлар хусусида гап кетганда яна бир улуғ зотни эсламасдан ўтолмаймиз. Бу Ҳабиб Абдуллаевдир. Бир пайтлар Алишер Навоийни ҳам кенг афкор омма ҳозиргидек эъзозламагани сингари биз ҳозирча Ҳабиб Абдуллаевни, унинг оламшумул кашфиётларини тўла баҳолаб қадрламаётганга ўхшаймиз.

Ҳабиб Абдуллаев 1912 йилда Аравон қишлоғида туғилган. У ўзининг онгли ҳаётини халқ йўлига бағишлаган оташин, жонкуяр, фидойи олим эди. Унинг фахрли унвонларини санаб тугатиш қийин: атоқли геолог, давлат ва жамоат арбоби, академик, фан доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг 1956-1961 йиллардаги президенти. Франция геология жамияти аъзоси, Буюк Британия Қироллик минерология жамиятининг аъзоси ва ҳоказо.

Ҳабиб Абдуллаевнинг ер ости конларини тадқиқ қилиш соҳасида яратган кашфиётлари ва қимматли асарлари жаҳон олимлари орасида маълум ва машҳурдир. У конларни қидириб топишда ва ундан самарали фойдаланишда ўзига хос мактаб очган буюк олимдир.

Ҳабиб Абдуллаев билан аравонликлар ҳақли равишда фахрланадилар. У ҳам ўзи туғилиб ўсган Аравонни севарди. У ҳар гал юртига келганида шарқираб оқиб турган Аравонсой бўйларида узоқ кезар, сўлим чойхоналарда қишлоқдошлари билан чақчақлашишни хуш кўрарди.

Ҳозир у туғилиб ўсган маҳалла унинг муборак номи билан юритилади. Аравон ва Ўш шаҳрида Ҳабиб Абдуллаев номли мактабларда неча юзлаб ёшлар таълим олмоқдалар. Бу мактабларда яна юз йилдан кейин ҳам Ҳабиб Абдуллаев номи тилга олинади, у пайтларда улуғ олимнинг қадр-қиммати ҳозиргидан юз чандон юқори бўлиши шубҳасиздир.

Аравон райони гарчи Қирғизистон ҳудудида жойлашган бўлса-да, бу ерда ўзбек хонадонлари кўп. Шунинг учун бўлса керак, аксарият аҳолининг асосий касби-кори пахтачиликдир. Аравон тупроғи серунумлиги билан ажралиб туради. Деҳқонлари ҳам чакки эмас. Районнинг экин майдони озлигига қарамай, бу ерда пахта ва бошқа экинлардан рекорд ҳосил етиштирилади. Миришкор пахтакорларнинг довруғи нанки Қирғизистонга, балки пахта етиштирувчи барча жумҳуриятларга ёйилган. Районда пахтакорлик касбини улуғлаган ўндан ортиқ деҳқон Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовордир. Чилустун тоғларига туташ далаларда узоқ йиллар пахта етиштириб донг таратган Алла Аноровга қишлоқ марказида бронзадан ҳайкал ўрнатилган. У мамлакатнинг икки марта Меҳнат Қаҳрамонидир. Аравонлик ўзбеклар ўз қаҳрамонлари билан ҳам ифтихор қиладилар.

Ҳа, улар фахр этишга ҳақлидир. Ахир, шундай гўзал бир гўшадаги шунча сиру шунча синоат яна қаерда бор?!

Рустам РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози»нинг Фарғона водийси бўйича ўз мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ҚАШҚАДАРЁ

МАЖБУРИЯТ ҲАМ УДДАЛАНДИ

● «Хитой» давлат хўжалиги пахта тайёрлашда Муборак районида карвонбошилик қилмоқда.

Биринчилар қатори маррага етган Қ. Тўхтаев, Э. Жўраев, Р. Тожиев, Б. Хидиров, А. Ўроқов, С. Эгамбердиев, Қ. Қўзиев, С. Тожиев бошлиқ бригадалар қўшимча мажбуриятларини ҳам адо этдилар.

Йиғим-теримда машиналар ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Далаларда 50 та терим агрегати ишлатилмоқда. Х. Тожиев, О. Саидов, К. Эгамбердиев, А. Қўзиев сингари механизаторлар ҳозиргача эл хирмонига 80—90 тоннадан пахта тўкиб, юқори натижаларга эришдилар.

М. КАРОМОВ.

● ЖИЗЗАХ

БОҒЧА ЎГАЙ ЭМАС!

● «Дўстларга жон садақа, лекин пул билан ҳазиллашманг», деган нақл юзага чиққан бир пайтда мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари боқимандалик иэтиробида қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Самарқанддаги Сартепа массивида жойлашган 105-болалар боғчаси жамоаси ва ота-оналар бундай шароитдан қутилиш йўлини ўйлаб топишди.

Боғчада хайрия кичик марафони ўтказилди. Карнайсурнай садолари, қўшиқ ва рақслар, боғча ҳовлисидаги томошалар бутун мавзе аҳолисини ўзига жалб этди.

— Болаларимизни оғир шароитда кўнглини кўтаришга жазм қилдик, — дейди марафон ташкилотчиларидан бири Самарқанд дорилфунуни муаллимаси С. Ожиева. — Лотерея ўйини ташкил этдик. Ота-оналар келтирган ноёб моллар ҳисобидан кимошди савдоси уюштирдик. Энг муҳими, ота-оналар ва болаларнинг ўйин-кулгуси, қувончи дунёни тутиб кетди.

Идора ва корхоналар ҳам қараб туришмади. Пойабзал фабрикаси ва шаҳар халқ таълими бошқармаси боғчага 10 минг сўмдан хайрия қилишди.

Фармон ТОШЕВ.

● *Мухбиримиз бонг уради*

МЕҲНАТОБОДДА ГАЗЕТА ЎҚИШМАЙДИМИ?

Меҳнатобод — Сирдарёнинг кенжа райони. Бу ерда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳар жиҳатдан яхши. Пахтачилик, чорвачилик, полизчилик хуллас, барча соҳалар бўйича режалар бажарилиб турибди. Аммо, энг муҳим соҳа — кишиларни маънавий бойитиш унутиб қўйилаётгани чакки бўляпти. Буни, энг аввало, районда газетхон ва журналхонларнинг йил сайин камайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир район бўйича фақат 2112 кишигина газета олиб ўқияпти. Бу жиҳатдан Меҳнатобод бошқа районлардан жуда ҳам орқада.

«Янгиер» давлат хўжалиги ҳудудида 302 хонадон бор, 3600 киши истиқомат қилади. «Зафаробод» қишлоқ Кенгаши масъул котиби Сайфулло Жумаевнинг айтишича қишлоқда иқтисодий ночор оилалар йўқ ҳисоби. Бу яхши, албатта. Лекин буни қарангки 302 хонадоннинг деярли ярми бирорта ҳам газета ва журналларга обуна бўлмаган. Қишлоқда иккита ароқ ва вино билан савдо қиладиган дўкон бор. Лекин бирорта ҳам газета ёки китоб дўкони, кутубхона сингари маданий-оқартув муассасалари йўқ. Суриштириб обуна билан доимий шуғулланадиган кишини қишлоқ ҳудудидан топа олмадик.

Эргаш Қаҳҳоров номли совхозда ҳам ана шундай аҳвол. Уч мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқда кунига 148 дона газета олинаяпти. Буларнинг аксарият қисми мактаб, боғча ва бошқа муассасаларга келтирилади. Райондаги энг қаровсиз алоқа бўлими ҳам шу хўжалик қишлоғида. Алоқа бўлимининг мўъжазгина биноси деярли вайрона ҳолга келган, томининг ярми йўқ, ойналари синган, ичига қадам босгингиз келмайди. Айтишларича, шу ерда газета ва журналларга обуна қабул қилинар эмиш. Хўжалик директори Очил Турдибеков районда яхши мутахассис, тадбиркор раҳбар сифатида танилган. Бироқ, афсуски, бу ерда обуна ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганига ажабланасан киши. Биз матбуот тарқатиш аҳволи билан танишиб, Охунбобоев номли, «Страна Советов», Ғанишер Юнусов номли, «Пахтакор» давлат хўжаликлари қишлоқларида ҳам мана шундай бепарволик, бўлса-бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар каби кайфият ҳукм сураётганини кўрдик.

Биз «Зафаробод» алоқа бўлимида бўлганимизда ажиб бир воқеани сўзлаб беришди. Газета ва журналлар бу ерга ҳафтада уч ёки тўрт марта келтирилар экан. Ўшанда ҳам кечгача олиб келинса дурустку-я, агар соат олтидан сўнг келтирилгудай бўлса газета ва журналлар, хат ва бошқа почта юклари ҳам почтальон Вера Чаткинанинг уйига ташлаб кетилаверар экан. Шундай қилиб келтирилган матбуот орадан бир кун ўтгандан кейин тарқатиларкан.

Меҳнатобод райони алоқа бўлимининг матбуот тарқатиш соҳасидаги фаолиятини ўрганиш чоғида бу ерда иш жуда ҳам чалкаштириб юборилганлигини кўрдик. Бўлимнинг собиқ бошлиғи Светлана Фёклина «ташаббуси» билан бир қопчиқ газета ва журналларни райондаги саккизта алоқа бўлимига етказиб бериш учун 100 чақирим наридаги Боёвут райони автокорхонасидан юк машинаси таклиф қилинар экан. Қаранг-а, Янгиер шаҳрининг шундоққина ёнгинасида жойлашган Меҳнатободга вилоятнинг нариги бурчагидаги Боёвутдан келган автомашина хизмат қилса! Бундай оворагарчиликлар, ёнилғи анқонинг уруғи бўлган ҳозирги пайтда ортиқча маблағ сарфлашлар кимга керак бўлиб қолдийкин?

— Мен барча хўжаликларда ўтказилган ярим йиллик ҳисобот йиғилишларида қатнашдим, — дейди район почта ва матбуот тарқатиш бўлимининг янги бошлиғи Ҳакимжон Тошпўлатов. — Одамлар энг кўп эътирозларини алоқачиларга билдирмоқдалар. Қачон газета ва журналларни вақтида оламиз, деб масалани кўндаланг қўймоқдалар. Мен уларга бу ишни, албатта, ҳал қиламиз, деб ваъда бердим. Лекин, афсуски, ваъдамнинг устидан чиқа олаётганим йўқ. Менга кўп қусурларни тугатиб ишни янгича ташкил қилишим учун район ҳокимияти ёрдам бериши керак.

У тўғри гапни айтаяпти. Ишдаги нуқсонларни тугатиш, газета ва журналларга обуна тўплаш энг долзарб паллага кирган ҳозирги давр учун айниқса муҳимдир. Афсуски, районда шу ҳақиқатни яхши англаб етмаяптилар. Бўлмаса обуна мавсумининг бошланганидан бери салкам икки ой ўтаётганига қарамай, район бўйича «Ўзбекистон овози» ва «Халқ сўзи» газеталарига обуна фақат уч кишидан, «Ғунча» ва «Саодат» журналларига икки кишидан обуна қабул қилинмасди. Мана шу мисолнинг ўзи ҳам район раҳбариятининг газета ва журналларга обуна қабул қилишга нечоғли панжа орасидан қараётганини кўрсатиб турибди.

Меҳнатобод районида ХДПнинг 9 та бошланғич ташкилоти бор. Улар сафига 458 киши аъзо. Район раҳбариятида ҳам асосан ХДП аъзолари ишлайди. Шундай экан, улар энг аввало ўз газеталари — «Ўзбекистон овози»га келгуси йил учун обуна бўлиб, бошқаларни ҳам ана шунга даъват этишлари керак эмасми?

Одам фақат меҳнат қилиш, маҳсулот етиштириш, тўйтомошалар ўтказиш учунгина яшамайди. У жумладан, газета ва журналлар ўқиб, телевизор кўрсатувларини томоша қилиб, дунёда содир бўлаётган воқеалардан баҳраманд ҳам бўлиши керак. Наҳотки меҳнатободликлар газета ва журналлардан баҳра олишни исташмаса? Ёки Меҳнатободда фақат меҳнат учун яшайдиларми?

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕРИМЧИНИНГ ОЙЛИК МАОШИ—7 МИНГ СЎМ

● Қумқўрғон районидаги Н. Мирзаев номли жамоа хўжалиги теримчиси Гулнора Мегноровонинг сентябрь ойндаги маоши 7 минг сўмга тўғри келди. Гулнора терган пахтасининг ҳар килограммига 2 сўмдан тўланганда шунча пул бўлди.

У ишлаётган бўлим жамоаси районда биринчи бўлиб йиллик режани бажарди.

— Қариб икки режа миқдорида пахта тайёрлаймиз, — дейди бўлим бошлиғи Шермўмин Йўлдошев.

Вилоятнинг Шеробод, Ангор, Ленин йўли районларида ипак пахтани машиналар билан териб олишга киришилди. Бу, йиғим-терим суръатини оширишни таъминлаяпти.

О. УСАНОВ.

НАМАНГАН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Тўрақўрғон районидаги «Ширинлик» комбинати жамоаси куз ҳосилидан қиш учун турли маҳсулотлар тайёрлашга киришди. Бу ерда ҳар йили 5.000 тонна қуруқ мева ва майиз, 1,500 тонна қуритилган сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга жўнатилади.

Яқинда корхона ишчилари Олмонияга 13 тонна қуритилган пиёз жўнатишди. Тез кунда яна 100 тонна қуритилган пиёз жўнатиш учун шартнома тузилди. Хорижда Ўзбекистон ноз-неъматларини яхши қабул қилишяпти. Шу боис, кейинги пайтда тўрақўрғонлик консервачилар билан ҳамкорлик қилишни истаётган чет эл фирмалари сони ошиб бормоқда.

СУРАТДА: Қадоқлаш цехи илғор ишчиси Комила Худойбердиева комбинатда тайёрланган маҳсулотларни намойиш қилмоқда.

Ш. ОЛИМОВ, (ЎзА).
олган сурат.

● ЗАМОН—ИШБИЛАРМОННИКИ

ЭНГ АРЗОН ҒИШТ ХЎЖАОБОДДА ТАЙЁРЛАНАДИ

●Яширишнинг ҳожати йўқ: яқин-яқин вақтларгача қурилиш материаллари анқонинг уруғига айланган, кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмасди. Мана, бозор иқтисодиёти шароитида иморат қурмоқчи бўлган кишининг маблағи бўлса, қурилиш ашёлари дўконларда етарли. Фақат бир томони бор — — нархи осмонда. Хўш, шундай шароитда ким қишлоқ меҳнаткашига ёрдам бериши мумкин?

— Фақат ўзимиз, — дейди хўжаободлик ишбилармон Исожон Муҳиддинов. — Агар кўпчилик бўлиб имконият булоқлари кўзини очсак, ишимиз осон кўчади.

Дарҳақиқат Исожон бошлиқ тадбиркор йигитлар шундай қилишди. Ўтган йилнинг кузида «Хўжаобод» жамоа хўжалиги бошқаруви билан келишиб, 70 таноб (сотих) жой ажратиб олишди. Сўнгра хом ғишт ишлаб чиқарувчи қурилмани ўрнатиб ишга туширдилар. Ёнгинасида оҳак пишириш устахонаси барпо қилинди.

Эндиликда бу ердаги 12 нафар ишчи режадаги 120 минг донага етказиб ғишт тайёрлаяпти. Албатта, бундан хўжалик аъзолари катта манфаат кўрмоқда. Биринчидан, ғишт нақд пул бўлмаган тақдирда пул ўтказиш йўли билан етказиб бериляпти. Иккинчидан, юклаш-ташишда аҳолига кўмаклашилмоқда. Энг муҳими, нархи ҳам «чаққудек» эмас. Минг донаси — 350 сўм.

Мазкур кичик корхонани хўжалик ўз оталиғига олган, зарур ёрдамни аямаяпти. Бунга яраша тадбиркор йигитлардан Хурсандбек Ҳайитов, Илёсбек Йўлдошев, Илёс Муҳиддинов ва бошқалар ҳам самарали меҳнат қилишяпти.

Дарвоқе, ҳозир корхонани кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Хўжалик эҳтиёжидан ортиқча маҳсулот четдан келган харидорларга сотиляпти. Эндиликда қўшимча цех қуриш ҳам кўзда тутилмоқда. Аҳолининг парҳез таомларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, паррандачиликни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Тез орада товуқ фермаси очилади. Унда ойига ўн минг дона жўжа етиштирилади. Бундан ташқари хусусий тижорат дўкони, ошхона ҳам ишга туширилади. Бу қулайликлар, албатта, хўжаободликлар оғирини енгил қилишга ёрдам беради.

М. РАҲМОНОВ,

Моҳларойим

Романдан парча

1. УМР ТАЛАТЎПЛАРИ

Олам бевафо ва бесабот. Дунё бебақо ва нопойидор. Одам авлодидан солиҳ бирла яхши от ва неку сифот ва саодат нишони ва комронлиқ иқтиронидур.

НОДИРА.

Ҳўқанднинг ҳар бир тонги сарин ел билан отади. Бугун ҳам шундай бўлди. Мирзатеракларнинг кумуш япроқлари шовуллайди. Унинг навниҳол шохчалари ойнинг ўроғига осилиб, халинчак учишга интилади. Ойнинг хира нури елпинади. Юлдузларнинг бири қўйиб бошқаси имлайди, гўё киприк қоқаётгандай ҳузурига чорлайди.

Нодира хобгоҳнинг дераза пардасини бир ёнга суриб атрофга суқланиб қаради. Ҳув узоқларда, шаҳарнинг катта-кичик, эгри-бугри кўчаларида одамлар ўрмалаб юрибди. Бозор, тирикчилик ҳар бир кишининг пешонасига ёзиғлиқ. Рўзғор тебратиш, қаватидаги ўғил-қизларини вояга етказиш, жойи чиқса қизини узатиш, вақтики барманас дегандай ўғилнинг бошини икки қилиш ташвиши шу пайтгача бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай, кейин ҳам шундайлигича қолади. Кимдир оти ёйинки эшагини ниқташ учун қамчи кўтаради, ҳавони «зув» этиб кесган сас қулоққа чалинади. Аравларнинг мойланмаган ғилдираги ғирчиллайди. Етовга ўрганмаган ғўнон зорикиб ирғишлайди.

Нодиранинг хаёлидан яшиндай бир ўй чақиб ўтди. У бирдан сергак тортди. Баҳорнинг салқин ҳавосими, дераза тирқишларидан урилаётган сабоми баданини жунжиттирди. Ўнг томонга беш-олти қадам юриб равоннинг зар суви югуртирилган қабзасидан тортди. Узун ва кенг равон турли-туман кийим-кечак билан тўла, бир ёнда шоҳию атласлар, Хитой, Ҳиндистондан, Эрону Московдан келтирилган, савдогарлару элчилар ҳадя этган, биридан бири кўҳлик, гўзал, кўзни қамаштиргудай кўйлаклар, чолворлар, мурсаклар, яктаклар, жияклар, камарлар. Бир ёнда шойи, адрас, беқасам тўну чакмонлар, мовут, пўстин осиғлиқ, уларнинг елкаларию олд томонига зар тикилган, лаҳл қадалган. Шундан бўлса керак, гўзалликни талашмоқчидай товланиб турибди. Нодира осмони ранг мурсакни елкасига ташлаб орқасига қайрилди, енгил қадам босиб хобгоҳдан чиқди. У туркман гиламлар тўшалган узун йўлакдаги обрезда ходималар тайёрлаб қўйган кумуш обдастадаги илиқ сувда таҳорат олди, бугунги куннинг басаломат ва беталафот ўтишига бағишлаб дилида сура ўқиди, уч кун муқаддам Қува, Шаҳрихон, Ўш сари сайёдликка йўл олган умрининг гули ва қалбининг соҳибқирони Умарбекнинг соғ-омон қайтиши ва ови бароридан келишини тилади, айни шу маҳалда ул мумтозни соғинганини ҳис этди, бундан ширин энтикди ва соғинч дилини енгил ўртаб ўтди. Кўз олдида Умарбек Мирзонинг сийрати кўриндию ана шу сеҳрсиноатни қоғозга туширишга ошиқди. Бу сафар шаҳд ила ортига қайрилиб, хобгоҳ билан рўбарў хонага кирди. Кенг ва баланд хонанинг токчаларига зарҳал жилдли китоблар терилган, улар айримларининг саҳифалари очиқ ёки товус патлари билан белгиланган. Хонанинг ўртасида хонтахтанинг икки томонига атлас кўрпача тўшалган, лўлаболишлар қўйилган. У лос солинган довот ёнидаги қамиш қаламни қўлига олиб бир сония ўйга толди ва ҳозиргина хаёлида чарх урган сатрларни қоғозга тушира бошлади. Нодира баҳор ёмғиридай шошқиниб, қўйилиб келаётган мисраларни тузишга улгурмас, яна бир бор ўқир, қайтарар, дили ёришганидан чеҳрасига табассум югурарди. Нодира қамиш қаламни қўйиб ғазалга яна бир кўз ташлади ва дона-дона қилиб ўқиди:

Кел даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларнинг жафоларидин,
Фарёд чекиб фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,
Гул шоҳида ошён этиб кет.

Эй, ашқ, кўзимни мактабидин,
Ҳайрат сабақни равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,
Бир оҳ била ҳазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг?
Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улусқа ишқ сирриии,
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел ишқ йўлида кўзларингни,
Эй Нодира, дурфишон этиб кет.

Нодира бир зум ўйга толдию, беҳол бўлиб қолди. Қалбининг чоқчоқидан сизилиб оққан бу мусавададан кўнгли тоғ қадар мағрур ва равшан, умр девонида яна бир марварид тизилганидан кўзлари тийрак эди. У орзулаган муҳаббат ниҳоли қалбида аллақачон япроқ ёзган, лекин ана шу ниҳолнинг ҳамма вақт ҳамиша яшнаб туришини истарди. Афсуски, ҳаёт деб аталмиш умр инсон чизиғидан юрмайди. Боқий табиатнинг ўзига хос меҳру муҳаббати, адовати ва инжиқликлари ҳам бор. Мана бу дераза раҳидаги кумуш гулдондаги гул эҳтимол, юз йиллар, минг йиллар муқаддам инсоннинг бир бўлаги бўлгандир. Ёки сой ёнига тикилган ўтовнинг дарпардасидир. Бунинг сирига ҳалиҳали ҳеч ким етгани йўқ, ҳис қилолмайди ҳам. Фақат шу нарса маълумки, унинг ранги, туси, мазмуни ўзгарган холос. Шунинг учун ҳам табиат, атрофимизни чулғаб турган гўзаллик ўзгача меҳр билан товланади, ўзига чорлайди, туйғуни бойитади.

Худди шу сония Нодира Андижоннинг Хокан адирларида баҳор кезлари лолақизғалдоқлар терган дамларни эслади. Оҳ, ўша пайтлардаги шаддодликлар. Қизлар эрта баҳорда бир арава бўлиб Хоканга боришга ошиқишар, отқулоқ, ялпиз теришар, тонг саҳар пешиндан ўтгач, қуёш адирлар ортига ўгирилай деганда бир-бирини қувлашиб, яйрашиб қайтишарди. Маҳбуба тушмагурнинг тили узунгина эди, дугоналари ҳазиллашиб «шақ-шақ» дейишар, бу унинг ғашини келтирмас, ҳатто аксинча фахрланиб қўярди. Маҳбубанинг қоп-қора қалин қошлари ўртасида мошдек ҳоли атайин ўрнатиб қўйилгандай, киприклари узун, кўзлари шаҳло эди. «Куйдирмай қол-е,— дейишарди қизлар, холинг холингга тўғри келганинией. Йигит бўлганимда ўзим олволардим». Маҳбуба баттар шақилларди. «Келиб-келиб сенга тегаманми, бурнингни қара, носковоқнинг ўзи». Қизлар гурр этиб кулишар, тегажоқлик қилишар, бир-бирини қувлашиб яйрашар, шу онда улардан бахтли, шодумон топилмасди. Моҳларойим кулаверириб, ичаклари узилгудай бўлар. «Бўлди Маҳбуба» дегандай зорланар, бундан Маҳбуба баттар очилиб кетарди. «Қизлар ўн тўрт кунлик ойдек Хоқан адирларига сочилган, уларнинг ҳар бири суқ киргудай кўҳли, эътиборли эди. Аммо Андижон қалъасининг ҳокими Раҳмонқулибийнинг эрка қизи Моҳларойим дугоналари эътиборида бўлар, қизлар ундан бироз ийманишар, ўзларини қўйироқ тутишарди. Лекин Моҳларойим бунинг фарқига бормас, каттаю кичик ер эгаларининг қизларини бир санар, дилини оғритмасликка интилар, баъзан кўнглини кўтариш йўлларини қидирарди. Моҳларойимнинг бу ҳислати дугоналари томонидан маҳаллаю бутун шаҳар аҳлига ёйиларди. Шунинг учун шаҳарнинг казо-казолари Раҳмонқулибийга яқинлашиш мақсадида Моҳларойимни ўғилларига унаштириш орзусида юрар, айримлар эса ҳатто ютиниб ўзича бичиб юрарди. Андижон шайхулисломи Алихон тўра меҳмоннавозликларидан бирида бу ҳақда гап учирган, Раҳмонқулибий ўрнидан туриб «қулуқ» қилиб қўя қолганди. Оғзи қулоғига етиб юрган шайхулислом иккинчи бор оғиз очишга улгуролмади. Ҳўқанд хони амир Олимхон бу вақтда Моҳларойимни Марғилонда истиқомат қилаётган ниниси Умарбекка раво кўрганди. Каттанинг оғзи катта бўлади. Шайхулисломнинг дами ичида қолди. Ўзини билмаганга олиб Раҳмонқулибийни чин ихлос билан табриклади, «қўша қарисин» деб узоқ дуо қилди. Унинг дуосида яна бир ижобат бор эди. Чопарлар Хўжанд шайхулисломи Маъсумхон тўранинг Марғилонда бир муддат тўхтаб, Умарбекни домодликка таклиф қилганини ва Андижон сари йўл олганлигини еткуриб улгурган эдилар.

Андижонда тўй тараддуди давом этар, Раҳмонқулибий аёнларига Маъсумхон тўра ва унинг қаватидаги кишиларнинг иззатини жойига қўйишга ҳозирланар, Куйганёрдаги ҳовлини тартибга келтириб, осуда дам олиш масканига айлантирган, бақувватлар белини бойлаб шай бўлиб туришарди. Хотин-халажларнинг қийчуви, югур-югуридан катта хонадон торайиб бораётганга ўхшарди. Кимдир мозпахтани саваричлар билан уриб пиширар, бошқа бири атлас, шоҳи, беқасам кўрпалар қавир, кўйлаклар тикилар, келину куёвга саруполар қилинарди.

Моҳларойим ҳовлида юз кўрсатишга уялар, дам Шарифбой гузаридаги дугонаси Ҳалиманинг, дам Такабой гузаридаги Маҳбуба шақшақнинг олдига учради. Маҳбуба Моҳларойимни эъзоз билан қаршилар эдию, гап билан шақ-шақ юзига соларди. Бундан Моҳларойимнинг юзлари дув қизарар, кўзларини яширар, Маҳбуба эса «ҳазиллашдим Моҳи» дердию, яна гап отмоқчи бўларди.

— Моҳий, ўлай агар ҳавасим келяпти, бошингга бахт қуши қўниб турибдия... Аммо, эзилиб ҳам кетяпман.

— Нега? — маъюс бўлиб сўради Моҳларойим.

— Қиз бола боши — палаҳмон тоши. Шундоқ Андижон, буёғи Асака, Қува қолиб бир йўла Марғилонга отилганингдан, ўрток.

— Тақдир, Маҳбуба.

— Ёшлигимизда талашиб-тортишиб ўсгандик, зора кейин ҳам бирга бўлсак.

— Айтганинг келсин...

— Менга қолса, баланд дорга осилардиму...

— Ҳар ерни қилма орзу ҳавас, ҳамма ерда бор тошу-тароз...

— Лекин тош-тарозинг ҳам кўнглингни ёритса экан...

Маҳбубанинг илмоқли гапларидан Моҳларойим силкиниб-силкиниб кулади.

— Э, боре, менга далда беради десам...

— Ажаб қиламан. Тўйингда бир ўйнай, бир яйрай. Хотинларнинг оғзи очилиб, бурни ҳайрон қолсин.

— Гапниям зап еридан оласан-да, ўрток.

— Иш билгунча, гап билгин. Ўтираманми аммамнинг бузоғига ўхшаб.

— Гапни чуваласанг гап чиқади, ўрток. Достонни ўқийлик. Қайси бирига келувдик. «Фарҳод ва Ширин»гами?

— «Лайли ва Мажнун». Ҳозир олиб чиқаман.

Маҳбуба ҳовлига чиқиб бироз ҳаяллаб қолди-да сўнг хонага отилиб кира солиб, Моҳларойимнинг ортидан кўзини кафтлари билан тўсди.

— Ойнами, тароқ?

— Қилиғинг бирам совуғей.

— Ойнами тароқ деяпман.

— Ойна, ойна.

— Нима ойна?

— Достон олиб келгандирсан-да!

— Тополмадинг, тополмадинг. Ана қарачи, ким меҳмон бўлиб келдилар.

Моҳларойим қоронғилашаётган кўзларини катта-катта очиб остонага боқди. Бурма ёқали оқ шойи кўйлак кийган, мошкичири сочларини силлиқ тараб ўрган, хитойи ҳаворанг рўмолини бошига бўш ташлаб олган Ҳафиза отин кулимсираб турарди. Моҳларойим бу учрашув атай бўлдими, тўсатдан юз бердими, билолмай ғарангсиди. Зудлик билан ўрнидан тура солиб отинга салом берди. Шу сония меҳрибон мураббиясидан айри тушаётганини ҳис этдию кўз қарогида ёш қалқиди.

— Кўзингиз ёшландими. Ё хафа бўлдингизми?

— Йў-ўқ, — жавоб берди Моҳларойим. — Хурсандчиликдан.

— Эшитдим, бахт ёр бўлсин.

Моҳларойим уялиб кўзларини ерга тикди.

Ҳафиза отин Андижоннинг донги кетган отинларидан, унинг даргоҳида ўн-ўн беш толиба сабоқ олар, Мир Алишер Навоий, Лутфий, Яссавий, Фузулий, Суфи Оллоёр асарларини меҳр-муҳаббат билан ўқишар, ёдлашар, қайта-қайта дил тубига жойлашарди. Ҳафиза отин қироат билан ғазал ўқиганда, байтма-байт изоҳлаганда қизлар ҳайрат билан термулишар, мураббиянинг идроки, хотираси, самимиятига тан беришар, шундай ақл ва билим эгаси бўлишга интилишарди. Унинг ўзи ҳам яхшигина шоира эди. Мураббиянинг одими қанча-қанча давоми берк йўлларни очиб юборади. Моҳларойимнинг қалбида ҳам шундай орзу уйғонди, уйғонди эмас, япроқ ҳам ёзди. Ўтган йилнинг баҳоридан яширинча қоғоз қоралайди, дастлаб «Моҳи» тахаллус қўйдию, кейин ўзига эп кўрмади. Қоғозларни тутантириқ қилди, ёқдию аллақаери жизғанак бўлиб оғриганга ўхшади. Шу заҳоти қоғозларни олмоқчи эди, аммо олов уни аллақачон ямлаб-ютиб, қорайтириб улгурган эди. «Эҳ, нима қилиб қўйдим» деди ўзига ва бирдан карахт бўлиб қолганини сезди. Не-не кунларни бедор ўтказган, кўз нурини тўккан, бармоқларида қамиш қаламнинг ўрни қолган эдия! Кейин лаблари пичирлади. «Майли, арзимасди, энди буёғига пишиқ ёзиш керак, шунда, шунда мураббиямга ёруғ юз билан кўрсатаман». Бу Моҳларойимга далда бўлди. Ўша куни хобгоҳига кирди-ю кўзига уйқу илинмади, кўз олдида буралиб-буралиб қорайган қоғоз кўринаверди, кўринаверди, кейин ўрнидан туриб Навоийнинг «Чордевон»ини варақлади, уч-тўрт ғазални сокин ўқиди, яна қалбининг аллақаерида «ёз, ёз» деган сас жимирлади, дилидаги бу ўй тилига ўтди. Моҳларойим қоғоз олиб бироз ўй сурди-да сўнг тез-тез ёза бошлади.

Эртаси куни Моҳларойимнинг боши бироз ғарангсиди, лекин ўзини бардам сезди. Дилидаги туғён дафтарга тушган, бу сафар у янада равон, ташбеҳли, ширали эди. Ҳафиза отин ҳамиша қулоғига қўйганидек ғоя бир-бирини етаклаб тўлдириб борарди. Субҳидамда сарин шабада эсиб ором бағишлаётган паллада Моҳларойим ғазални яна ўқиди, аллақайси сўздан кўнгли тўлмади шекилли, устига чизиқ тортиб ёнига майда ҳарфлар билан бошқасини ёзди. Энди унинг томоғидан сув ўтмас, тезроқ Тикабой гузарига, Ҳафиза отин ҳузурига боришни, тунги ғазалини ўқишга шошарди.

Моҳларойим хизматкорини чорлади ва арава қўшишни буюрди.

(Давоми бор).

Ёзувчи Мирза Карим буюк ўзбек шоираси, давлат арбоби Нодира ҳақида «Моҳларойим» романини ёзди. Романнинг айрим боблари «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилмоқда. Биз ҳам асарнинг «Умр талатўплари» бобини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

Мирза Карим

1. 2. 3.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро Тошкент кинофестивалида

ДИЛ ТЎРИДАН ЧИҚҚАН ТИЛАК

Суратларда: 1. Актриса Чампа (Бангладеш) ва актёр Ру[illegible]там Саъдуллаев (Ўзбекистон). 2. Режиссёр Хўжақули Норли[illegible]ев (Туркманистон) ва режиссёр Абу Сейф Салоҳ (Миср) ра[illegible]фиқаси билан.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ, В. МИЛЕНЬКИЙ (ЎзА), С. МАҲКАМО[illegible] олган суратлар.

Бу кишилар Ер юзининг турли мамлакатларидан ташриф буюришган. Бадиий маданиятдаги касб-корлари ҳам турлича: бири кинорежиссёр бўлса, иккинчиси — актриса ёки актёр, учинчиси эса, кино ташкилотчиси. Уларнинг экранлаштирган ёки роль ўйнаган фильмлари ҳам ҳар хил мавзуда. Табиийки, кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг анжуман ҳақидаги фикрлари ҳам турлича...

Ҳумоюн ФАИЗ (Афғонистон): — Ҳаммага маълумки, бизнинг мамлакатимиз жуда қийин даврларни бошидан кечирмоқда. Ана шундай оғир кунларда бизни ўз қучоғига чорлаб, далда бераётган муборак Ўзбекистонга, унинг машҳур кинофестивалига таъзим қиламиз.

Пинто САНТЬЯГО (Колумбия): — Шундай доврўқли кинофестивални ниҳоят ўзлари ўтказаётган ўзбекистонлик дўстларимиз шошиб қолмаётганликларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ишончимиз комилки, улар анжуманнинг келгусидагиларини ҳам янада завқли, янада файзли ва мароқли ўтказадилар. Биродарлар, мустақил фестивалингиз қутлуғ бўлсин!

Чи Ши ЯН (Хитой) :— Ўзбекистоннинг ўзи биринчи марта ўтказаётган бу анжуманнинг қатнашчилари унчалик кўп бўлмаса-да, даврлари ранг-баранг асарларга тўла. Унинг ажойиб анъаналарини ҳар қадамда, барча баҳсу учрашувларда кўриб, сезиб турибмиз.

Гонсалес МАРТИНЕС (Мексика): — Тошкент кинофестивали ҳақиқатан ҳам уч қитъа кино маданиятининг кўзгуси экан. Турли мамлакатлар кинематографиясидаги изланишларни, ўзгаришларни кўриб, экран санъати усталарининг бетакрор тажрибаларидан бемалол, истаганча баҳраманд бўлиш мумкин.

Нуриддин Бен КАСБУИ (Тунис): — Ўн биринчи кинофестивални бир умр унутмасам керак. Чунки, мен, кичкина бир мамлакатнинг оддий бир киночиси Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари анжуманининг байроғини кўтаришга мушарраф бўлдим.

Аль-Сибан АЗЗАМ (Сурия): — Биз тўрт йилдан бери бу анжуманни соғиниб қолган эдик. Ахир, қўмсамай бўладими?! Худди шу нуфузли фестиваль туфайли дунёнинг турли бурчакларидан ҳамкасб дўстлар орттирдик. Худди шу анжуман даъватлари ва йўл-йўриқлари асосида ишлаб, миллий кинематографиямизни ривожлантириб боришга эришяпмиз.

Юкити СИНАДА (Япония): — Жаҳон бадиий маданияти, хусусан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографияларида қутлуғ мавзу— тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуида фильмлар кескин кўпайган экан, бу биринчи навбатда Тошкент Халқаро экранининг беминнат хизмати самарасидир. Эзгулик элчиси ва тарғиботчиси деб эътироф этилган бу фестивалга хайрли ишида янги ютуқлар тилаймиз.

Абдулаҳмад БЕННАНИИ (Марокаш): — Тошкент фестивали миллий кинематографиямиз ривожланишида катта роль ўйнамоқда. Ҳаргал бу ерга келганимизда ўзимизни худди дорилфунун давраларидагидек ҳис қиламиз. Экран санъатининг долзарб муаммоларини қандай ҳал этиш тўғрисида моҳир санъаткорларнинг кўрсатмаларини тинглаймиз, асарларимизни уларнинг назарига ҳавола қилиб, мулоҳазаларини эшитамиз. Шу боисдан фестивалнинг навбатдагисига таклиф бўлганида, бу ерга беихтиёр қанот боғлаб учамиз...

Ғамза ТУНАР (Туркия): — Биз, туркияликлар ўзбекистонлик жонажонларимиз — туркийлар билан фахрланамиз. Улар ўз мамлакатларида қийин даврдавом этаётган, тирикчилик тобора оғирлашиб, қимматчилик ҳуруж қилаётган бир пайтда ҳам шундай масъулиятли анжуманни ўтказишга бел боғладилар. Бу, шубҳасиз, дўстсеварлик, маданиятпарварлик белгисидир.

Ҳусайн ДАЛЛИР (Эрон): — Аҳмад Яссавий, Ибн Сино, Ат-Термизий, Алишер Навоий, Беруний, Амир Темур каби табаррук сиймоларнинг авлодлари — ўзбекистонликлар шундай Халқаро анжуманни муваффақиятли ўтказаётган экан, уларни фақат меҳр билан сийламоқ, олқишламоқ керак!

Тангай ТЕМЕНОВ (Қозоғистон): — Ўн биринчи кинофестиваль сабаб бўлиб, янги дўстлар орттириб турибман. Ҳатто улар билан келгусида ҳамкорликда фильм ишлаш ҳақида ҳам келишиб олдик.

Луқмон КЕРИМОВ (Озарбайжон): — Ассалому алайкум, деб бизга пешвоз чиққан, ҳар биримизнинг хонадонимизга тинчлик, хотиржамлик тилаётган Тошкент кинофестивалида қатнашиб турганимдан бахтиёрман. Келгусидаги қадамларинг ҳам қутлуғ бўлсин, қутлуғ каломли анжуман!

Суҳбатдош
Ю. БЕРДИЕВ.

• *Спорт*

БЕЛЛАШУВМИ Ё ТИЛЛАШУВ?

2500 йиллигини ишонлашга қизғин тайёргарлик кўраётган Хива шаҳри ўйингоҳида ҳоразмлик машҳур шоир ва файласуф, ҳунарманд ва полвон Паҳлавон Маҳмуд (1247—1326) хотирасига бағишланган қизиқарли кураш мусобақалари бўлиб ўтди.

«Халқаро» деб аталган бу турнирда жумҳуриятимиз вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Туркманистоннинг Тошҳовуз шаҳридан 200 нафарга яқин таниқли курашчилар иштирок этди.

Қизғин курашлар билан ўтган беллашувлар жараёнида турли вазн тоифалари бўйича шахсий биринчилик мусобақаларида хоразмлик Санъат Одамбоев, Матназар Рўзматов, Алишер Йўлдошев, Раззоқ Болтаев, Даврон Қаландаров, Рустам Матрасулов, Амин Маткаримов, Рафқат Шахмаев, Саъдулла Қурёзов, Ҳожибой Ҳусанов, Отаназар Худойқулов, Аҳмад Матчонов, қашқадарёлик Баҳром Авезов, бухоролик Нурмуҳаммад Юсуповлар ғолиб чиқишди. Улар ғилам ва дипломлар, ҳомийларнинг пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Мусобақанинг мутлақ ғолиблиги учун курашда 20 нафардан кўпроқ полвон бел олишди. Унинг якунловчи, яъни финал даврасида ўзаро куч синашиш хоразмлик Даврон Қаландаров билан қашқадарёлик машҳур полвон, шу йилнинг ўзида Бухоро ва Қарши шаҳарларида миллий кураш бўйича ўтказилган жумҳурият беллашувларининг ғолиби Абдуқодир Пирматовга насиб этди. Худди ана шу иккала полвоннинг беллашувига берилган баҳо ўйингоҳга тўпланган минглаб муҳлисларни, жумладан, ташкилий қўмита аъзоларини анча ранжитди. Жумҳурият Спорт комитети раисининг ўринбосари, республика миллий кураш федерацияси раиси Комилжон Юсупов бу мусобақага бош ҳакамлик қилган икки марта жаҳон чемпиони Собир Қурбоновнинг Даврон Қаландаровни ғолиб деб топган баҳосига ўзининг норози бўлганлигини билдирди. Курашда қаршилик полвон Абдуқодир Пирматовнинг устунлиги кўриниб турган эди. Натижада майдон узра томошабинларнинг норозилик қийқириқлари узоқ вақт янграб турди. Д. Қаландаровни ғолиб деб аташга ҳатто мусобақа ташкилотчиларининг айримларидан бошқа ҳеч ким рози эмасди. Бироқ бош ҳакам С. Қурбоновнинг қарори қатъий эди: Д. Қаландаров мусобақанинг мутлақ ғолиби деб эълон қилинди-ю, унга масофадан туриб бошқариладиган рангли телевизор, ғилам ва пўстин, «Хоразмтранс» бошқармасининг 10 минг сўм миқдоридаги махсус пул мукофоти инъом этилди. Ўтказилган бу турнир вилоятга камида бир миллион сўмга тушганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Давлатдан бир неча миллион сўм қарз бўла туриб, мусобақага 200 минг сўм ўтказиб ҳомийлик қилган «Хорезмтранс» бошқармаси раҳбарларининг ҳотамтойлигини нима билан баҳолаш мумкин?! Ёрдамга ўзи муҳтож бўла туриб, бировга хайр-эҳсон қилишни ҳотамтойлик, деб атаб бўладими?

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КУЧЛИЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛИШДИ

● ФАРҒОНАДА парашютдан сакраш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди.

Мусобақада Ўзбекистон Республикаси спортчилари биринчи марта мустақил жамоа бўлиб қатнашишди, Л. Абдураҳмонов, О. Лосьев, И. Надолин, А. Герасимов, Г. Иванникова ва И. Гостьева, О.Плотников, Н. Демиденко, З. Сайфулина каби спорт усталаридан иборат терма жамоамиз бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Мусобақада эса 36 мамлакатдан келган 250 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Чемпионатга пухта ҳозирлик кўрган Канада, Япония ва Туркия парашютчилари фахрли ўринларни эгаллашди. Ўзбекистон терма жамоаси кучли 10 жамоа сафидан жой олиб, мухлисларни қувонтирди.

ДАСТЛАБКИ МУСОБАҚАЛАР ҒОЛИБИ

● АНДИЖОНДА чим хоккей бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг дастлабки тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Яқинда Малайзияда ўтказилган халқаро мусобақада муваффақият қозониб қайтган «Андижанка-1» хоккейчи қизлари мавсумнинг дастлабки ўйинларини ҳам мағлубиятсиз давом эттирдилар. Улар биринчи ўринни эгаллаб туришибди. Бухоронинг «Ситора» ҳамда «Андижанка-2» жамоалари 2 ва 3-ўринларда боришмоқда. Мусобақада шунингдек, Самарқанднинг «Чевар», Тошкент олий спорт маҳорати мактаби жамоалари ҳам қатнашишмоқда. Мусобақага Тошкент вилоятининг «Политотдел» ва «Янгибозор» хоккейчилари негадир келишмади. Навбатдаги тур учрашувлари Бухорода ўтказилади.

• *Нуқтаи назар*

ЭРКАКЛАРГА ҒУРУР БЕРСИН!...

Изоҳнинг ҳожати йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН! Бир елкасида бола опичлаб, бир елкасида кетмон ортмоқлаб кетаётган аёлга қиёс этаман сени.

Жумҳуриятимизда нечта пахта териш машинаси бор ва унинг қанчаси яроқли? Булар кўпчиликка аён. Аммо, қишлоқ хонадонларида нечтадан кетмон бор, унинг ҳисобига ким етган? Ана шу кетмон ҳозирги кунда кимнинг қўлида? Далаларга, пахта плантацияларига бир қаранг: эрта баҳордан бошлаб то кеч кузгача қадди дол, тирноқлари тупроққа ботган, қўллари қадоқ келинчакларни, опасингилларимизни кўрасиз. Бу кетмон уларнинг қўлига қачон тутқазилган? Эркакларнинг бақувват қўлларида эмасмиди ул. Нега кашта тикиш, ўсма сиқиш, сурма сўриш учун яралган нозик қўлларга ўтиб қолди у ва ниҳоят, бу нозик елкалар, бола ардоқлашга муносиб қўллардан қачон кетмон тушади? Буни ким ўйлайди? Эркаклар эмасми? Биз аёлларни эркакларнинг ўзи қўлламаса, қийин.

Биз шу пайтгача хотин-қизлар масаласи деганда аёл тақдирини оиласидан ажратиб олиб ҳал қилдик. Яъни, уни ижтимоий фойдали меҳнатга тортиб бахтли-тахтли қилмоқчи бўлдик. Ижтимоий фойдали меҳнат нима ўзи? Бола тарбиялаш, келажакка соғлом, ҳар томонлама етук авлод етиштириб бериш эмасми? Биз худди шу нарсани тан олмаётгандекмиз. Шу сабабли аёл уйга қайтолмаяпти, шу сабабли қишлоқ аёлининг елкасидан кетмон тушмаяпти. Эртадан кечгача меҳнат қилиб бири икки бўлмаётган аёлни уйда нима кутяпти? Уни ишлатиб қўйган эркакни уйда нима кутяпти? Ҳаловатсизлик эмасми? Даладан ҳориб-чарчаб қайтган аёлни рўзғордаги етишмовчилик ташвиши ўраб олган! Хўш, ундан шу тобда эркак қандай илҳом олади, қандай ширин сўз кутади? Қандай ширин-ғотли овқат пиширишни талаб эта олади? Бунга унинг маънавий ҳаққи борми?

Оилада моддий неъматни ота яратади. Маънавий неъматни эса она-аёл яратади. Маънавий руҳ она алласи билан фарзанд вужудига сингади. Ахир, айтингчи, ҳозир қайси она боласини бағрига олиб, яйраб-тўйиб алла айтади? Бунга вақти борми унинг?

РИВОЯТ. Шоҳ Бобурнинг невараси Гулбаданбегим ўз қўлини сўраган шаҳзодага шундай жавоб берган экан: «Майли, мен сизга турмушга чиқишга розиман. Ҳаётда барча тилак ва истакларингиз амалга ошишида бор кучимни ишга соламан. Аммо, бир шартим бор: мен шоҳ қизиман, ҳеч қачон оёғингизга бош урмайман. Чунки билингизким, бу-килган аёл жамиятга ҳеч қачон ғурурли фарзанд беролмайдур».

Ҳа, фарзандлари ғуруссиз бўлган ўлканинг келажаги ҳам аянчлидир.

Ривоятни ўйлаб туриб, ҳозирги оналаримиз, хотин-қизларимизнинг аҳволига куюниб кетасан. Ўйлаб кўрайлик, ўзбекни бирлаштирувчи, унинг авлодини ғўдакликдан ғурурли этиб, жисмонан, аҳлоқан, маънан дуркун камолга етказувчи онани биз қай аҳволга солиб қўйибмиз? Ўзбек аёли эмми-эркин ва тўкин яшамас экан, уйи қолиб, кўча ишидан бўшамас экан, аёл бўлиб қаддини ростламас экан, аёл — она бўлиб ўғлонлари, юрт эрларига сўзи ўтмас экан она диёримиз келажаги бадастир бўлолмайди.

Биз юртимизда бир миллионга яқин ишсиз бор деймиз. Шуларнинг 50—60 фоизи эркаклар эмасми? Қани эркакларимиздаги ғурур, қани у шижоат? Қайси қишлоққа борманг, қайси жамоага борманг, ёш-ёш эр-йигитлар ишсиз, дейишади. Нега улар аёллар қўлидан кетмонни олмайди? Хой эркаклар, шайланинг, аёлингизни, қизингизни, синглингизни қаддини кўтаринг, унинг чиройини ерга букманг. Унинг гўзаллиги, ширин-зеболиги, ўктамлиги, зукколиги, ақли донишлиги тупроққа қоришмасин, деб ҳайқиргинг келади.

ТУКИЛАЙ деб турган чорпояларда она сийнасига зор гўдаклар зириллаган беланчакларда чинқиради.

Очин-тўқин қолган, она сийнасида офтоб урган сутни эмиб ўсган болалар. Сиз ғурурни қайдан оласиз? Ана шу пажмурда гавдали, қадди букилган, меҳнат ҳақини ҳам ундириб олишга ҳоли қолмаган онаданми?

Аммо онанинг ўзи афтодаҳол бўлса-чи? Уни бу аҳволдан ким қутқаради? Ким унга таянч, тиргак бўлади? Турмуш ўртоғи, ўғиллари, ака-укалари эмасми? Шундай экан, жамиятдаги яшаш тарзини ўзгартиришга тўғри келади. Биз давлатчилигимиз асосларини яратар эканмиз, унинг тизимини ўзгартиришимиз зарур. Эски тизимларни синдириб ташлаш вақти етди!

Энди қишлоқдаги колхоз-совхоз тузумини ўзгартириш, якка хўжалик, ижара, шахсий мулк ва пудрат каби турли шаклларни фаол ишга солмоқ пайти келди. Ана шунда меҳнатнинг этагини эркак маҳкам тутади. Чунки бундай меҳнатда у ўз машаққатли меҳнати самарасини тезроқ сезади.

Ўтмишни бир эслайлик. Аёл сув учун челак кўтариб кўчага чиққанми, ё рўзғор учун бозорга борганми?

Эртак, достонларда аёл учқур чавандоз, абжир мерган, қолаверса, «Минг бир кеча»да ўзининг доно, зукко, тадбиркорлиги ва истеъдоди билан подшоҳни ҳам лол қолдирган Шаҳризода, фариштасифат малак сифатида эмасмиди?

Биргина Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини олинг. Узоқдан Чин ҳоқонининг ўғли Фарҳод Арман юртининг маликаси Ширин ҳузурига ошиқиб келади.

«Ўнта канизагимнинг имтиҳонидан ўтса қабул қиламан», дейди Ширин. Бир канизак мерганликдан, бир канизак риёзиётдан, бир канизак табобатдан, бир канизак фалакиётдан имтиҳон қиладилар.

Шунда Фарҳод: «Канизакларики шунчалар билимдон, зукко бўлса, ўзи қандай экан», деб барча имтиҳонлардан ўтиб Ширин олдида тиз чўкади!

Халқимиз азалобод аёлларини ана шу тарзда кўришни орзу қилиб келган, Эвоҳ! Қани ул гўзал, қани ул билимдон, зукко, ақли билан хонни ҳам ўзига таслим этувчи ҳурлар? Бу бир рўё эдими? Далаларга бир қаранг. Эгилган гавдалар, кетмон кўтарган елкалар... Такрор айтаман: бу кетмонни улардан ким олади? Суянган тоғи қани уларнинг?

Истиқлол! Бошинг тошдан бўлсин сенинг! Эркакларга шижоат бер! Токи аёлларга тоққа суянгандек суянсин!

Истиқлол! Тоғдек ғурур бер эркакка, токи, қизларининг қадди букилмасин! Дориламон кунлар келди, ахир.

Қутби НОСИР қизи

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).

● «ФЕРУЗ ДАРГОҲИГА ЙЎЛ ОЧИҚ».

● ШАҲАР МАВЗУИДА: «ҲАМ КУЯСИЗ, ҲАМ КУЛАСИЗ».

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ: ЎҚИНГ, ЎҚИНГ, МАҒЗИНИ ЧАҚИНГ, МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ, АМАЛДА ФОЙДАЛАНИНГ: «ТИЖОРАТ ВА БИР ОШАМ ҲАЛОЛ ЛУҚМА».

● ОЙДИН ҲОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА.

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУҚЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

TEKNESLS - INFO фирмаси

Тошкентдаги омборхоналардан таклиф этади:

Компьютерлар, Телефонлар, Телефакслар, Стриммерлар, Лазерли принтерлар, Кичик хисоблаш тармоклари, Кseрокслар, Сканерлар, Дискетлар, Модемлар, Банкнотларни хисоблаш аппаратларни



Техник хизмат кўрсатиш кафолати берилади

Тошкент, Улуғ Ипак Йўли хиёбони, 63
67-25-57, 67-85-86 FAX (371-2)-54-99-83

ХАЙРИЯ ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ БОЛАЛИГИДА АСАБ ТИЗИМИ КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН ЕТТИ ЁШДАН ЙИГИРМА БЕШ ЁШГАЧА БЎЛГАН НОГИРОНЛАРНИ ДАВОЛАШ УЧУН

« УМИД »

ТИББИЙ-СОҒЛИҚНИ ТИКЛАШ МАРКАЗИНИ ОЧМОҚДА

«Умид» тиббий-соғлиқни тиклаш марказида беморларни даволашда игна билан даволаш, нуқтали массаж, нуқталар орқали дори моддаларини киритиш, йога, филотерапия ва бошқа усуллар қўлланилади. Физик усуллар билан даволаш 1992 йил 1 ноябрдан бошлаб Чилонзор ноҳиясидаги «Меҳнат резервлари» биносида ва 1993 йил 1 январидан бошлаб Сирғали ноҳиясидаги собиқ «Электромаш» профилакторийси биносида стационар шароитларда амалга оширилади.

Танлов комиссияси шанба кунлари соат 13 дан 15 га қадар Шота Руставели кўчаси, 1-тор кўча, 7-уйда «Матонат» ногиронлар соғломлаштириш клубида ишлайди.

Телефонлар: 55-83-05, 55-84-50.

Даволаш ва соғлиқни тиклаш учун ҳақ нақд тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

«Умид» ногиронлар тиббий—соғлиқни тиклаш маркази маъмурияти.

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОНЦЕРНЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«Роснефтмаҳсулотлари» концерни хабарига кўра, шу йил 15 октябрдан бошлаб Россия Федерацияси ҳудудида барча автотранспорт турларига ёнилғи фақат нақд пулга сотилади.

Зудлик билан керакли чора кўришингизни сўраймиз.

«ЎЗДАВНЕФТМАҲСУЛОТЛАРИ» АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ.

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ НИШОНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ

1992—1993 ўқув йили учун кундузги ва кечки бўлимларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕСТ синовларига тайёрлаш маркази 1992 йилда ўтказилган ТЕСТ синовлари тажрибасидан келиб чиқиб, кундузги ва кечки бўлимларида математика, физика, химия, биология, она тили ва адабиёт фанлари асосида ТЕСТ синовларига тайёрлайди.

ТЕСТ маркази мутахассис тайёрлаш учун олий билимгоҳ ва корхоналар ўртасида тузилган шартномага биноан кундузги бўлим учун 50 минг, кечки бўлим учун 30 минг сўм пул ўтказган корхона, ташкилот, муассасалардан юборилган ўрта маълумотга эга бўлган ёшларни суҳбат асосида қабул қилади.

ТЕСТ маркази кечки бўлимга кирувчиларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрлайди.

Махсус шартнома ва маълумотлар олий билимгоҳнинг асосий биносининг иккинчи қават 28-хонасидан олинади.

ТЕСТ синовларига тайёрлаш марказига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), пул ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат, 086/У андозадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см катталикдаги 8 дона сурат.

Паспорт ва ҳарбий мажбуриятга оид ҳужжат шахсан кўрсатилади.

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА ҲУЖЖАТЛАР 10 ОКТЯБРДАН 25 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚИРУВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТ 26 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади. Ўқиш муддати — 7 ой.

Суҳбат математика, физика, химия, биология, она тили ва адабиёт фанларидан ўтказилади.

ТЕСТ синовларига тайёргарликдан ўтган, лекин институтга қабул синовидан ўтолмаган ёшларга корхона томонидан ўтказган пул қайтарилмайди.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент-700100, Горбунова кўчаси, 5-уй, тайёрлов бўлими—Абдуллаев кўчаси, 7-уйда. Телефонлар: 53-11-93, 1-34, 53-66-48.

ДАЛА ҲОВЛИ ПАРДОЗЛАНМАГАН УЙИ БИЛАН СОТИЛАДИ.

ТЕЛЕФОН: 77-57-50.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш—33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70

Навбатчи муҳаррир: С. СИРОЖИДДИНОВ.

БИЗНИНҢ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30. Г—394. № 203. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.